

«МАДАНИЯТШУНОСЛИК»

фанидан

ДАСТУР

Тузувчилар: т.ф.д., проф. Қ.Усмонов,
т.ф.н., проф. М.Содиқов,
п.ф.н., к.ўқ. Ф.Бабашев,
к.ўқ. С.Тўлаганова,
к.ўқ. В.Топчий.

Такризчилар: т.ф.д., проф. А.Ҳазраткулов,
т.ф.н., доц. Т.Юнусов,
т.ф.н., доц. Б.Каримов.

Дастурда жаҳон ва Ўзбекистон маданиятининг моҳияти, унинг ривожланиш хусусиятлари, қонуниятлари, жаҳон ва миллий - маданий меросни асраб - авайлаш ҳамда уни келажак авлодга етказиш муаммолари таҳлил қилинади.

Изучаются сущность, особенности и закономерности развития мировой и отечественной культуры, анализируются проблемы сохранения, умножения мирового и национального культурного наследия, вопросы передачи его подрастающему поколению.

Worlds and home culture's development essence, peculiarities and regularities are studied, the problems of keeping, multiplication of world and international cultural legacy, problems of passing them to the young generation are analyzed.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган. (25 апрель 2002 йил 9 - сонли баённома).

1. СЎЗ БОШИ

Республикамиз Олийтаълим муассасаларида "Маданиятшунослик" фанининг ўқитила бошланишимустақилликнинг маънавият жабҳасидаги муҳим қадами бўлди. Зеро, юртимизнинг мустақил тараққиёт йўлига чиқиши, иқтисодий янги тамойиллар асосида бошқаришга ўтилиши, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг барпо этилаётганлиги, мантиқий тарзда маданият, маънавият муаммоларига янги ёндашиш заруратини кун тартибига қўйди. Бу - объектив жараён. Миллий, тарихий тажрибалар асосида янги жамият барпо этилаётган экан, бу жараён жамиятнинг барча жабҳаларини (иқтисодий, сиёсий - ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий) макон ва замонда бир бутун тизим тарзида янгиланишини талаб этмоқда. Бу, аввало, маънавиятга янги муносабат, аждодлар меросини эъзозлаш, уни асраш, ўрганиш ва бойитиш асносида комил инсонликка эришиш демакдир.

Фани ўқитишнинг мақсади ва вазифалари – «Маданиятшунослик» фанининг асосий мақсади – бакалаврият талабаларини жаҳон, биринчи навбатда, Шарқ маданияти, хусусан Марказий Осиё халқларининг бой маданий мероси, бетакрор обидалари, мутафаккирлар асарларида жамланган маънавий меросни, барҳаёт удум, анъана, турмуш ва фикр тарзини ифодаловчи илмий маълумотлар билан таништиришга қаратилган. Иккинчидан, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, аждодлар меросини бакалаврият талабаларига ўргатиш асносида уларни ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш, уларда ўзликни англаш, Ватан туйғуси, Она - юрт ғурури, шарқона қадриятлар асосида миллий мафкурани шакллантиришдир.

Бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги – «Маданиятшунослик» фани ижтимоий - гуманитар, жумладан, тарих, фалсафа, маънавият асослари, диншунослик, ҳуқуқшунослик, социология сингари фанлар билан бевосита уйғунликда ўрганилади.

«Маданиятшунослик» фани аудитория машғулоти турлари соатлар бўйича қуйидагича тақсимланган. Маърузалар - 18 соат (50%), семинар машғулотлари - 18 соат (50%).

2. ФАН ДАСТУРИ

Маданиятшунослик фанининг предмети, методологик асослари ва аҳамияти – «Маданиятшунослик» фанининг мақсади, тадқиқот предмети ва вазифаси. Фаннинг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни, ўзига хослиги ва амалий аҳамияти.

Маданиятшунослик тарихида маданият тушунчасининг талқини. Маданият ижтимоий ҳодиса сифатида. Моддий ва маънавий маданият.

Табиат ва маданият. Маданият - инсон шахси ва унинг турмуш тарзини таркиб топтиришнинг ўзига хос усули. Маданият ва цивилизация. Жаҳон халқлари маданиятидаги ўзига хослик ва умумийлик. Маданиятлар мулоқоти. Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро бир - бирига таъсири.

Ворислик - маданий тараққиётнинг муҳим қонунияти. Тарихий изчиллик ва маданий мерос. *Маънавият ва миллий қадриятлар*. Маънавият тушунчаси, унинг асосий шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги *Миллий қадриятлар ва шахс маънавияти*. Миллий истиқлол ва миллий Уйғониш давридаги баркамол авлод тарбиясида маданиятшунослик фанининг ўрни ва роли.

Қадимги Шарқ маданияти - қадимги Шарқ маданиятининг тарихий ва даврий чегаралари. Маданиятнинг энг қадимги ўчоғи - қадимги Месопотамия жамиятлари маданияти. Шумерлар маданияти.

Қадимги Миср маданиятининг шаклланиш даври. Жаҳон маданияти ривожланишида қадимги Миср маданиятининг ўрни.

Марказий Осиё маданияти шаклланишининг табиий - иқлимий ва этник шарт - шароитлари. Қадимги қабилалар маданий алоқаларининг йўналишлари, маданий ҳаётнинг афсона ва ривоятларда акс эттирилиши. Диний эътиқодлар, Зардуштийлик ва «Авесто».

Эллин маданиятининг Шарққа кириб келиши. Кушонлар даврида Бактрия маданияти. Будда ёдгорликлари. *Буюк улак йўли – Ғарб ва Шарқ халқлари ўртасидаги маданий кўприк*.

Қадимги Ҳиндистон маданияти. Браҳманизм - жамоани табақалаштириш. Биринчи жаҳон дини - Буддизмнинг шаклланиши. Моҳинжо - Даро ва Хараппа цивилизацияси.

Қадимги Хитой цивилизацияси вужудга келишининг шарт - шароитлари ва ўзига хос хусусиятлари. Конфуцийчилик, даосизм, моизм ва легизм каби фалсафий таълимотларнинг пайдо бўлиши. Хитой маданиятининг ижтимоий - ахлоқий мазмуни. қзув, адабиёт, санъат ёдгорликлари. Буюк Хитой девори. Хитой маданиятининг кўшни халқларга таъсири.

Антик давр Европа маданияти - қадимги маданиятнинг чўққиси бўлмиш антик маданиятнинг жаҳон маданияти ривожигаги ўрни. Афина, Спарта ва Рим маданияти: умумийлик ва ўзига хосликлар. Қадимги юнон цивилизациясининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тасвирий санъат, меъморчилик, театр, спортнинг антик маданиятдаги ўрни. Нотиклик санъати.

Қадимги Лотин маданияти. Қадимги римликларнинг дунёни идрок этиш хусусиятлари. Қадимги римликларнинг ҳарбий санъати. Рим ҳуқуқи. Римликларнинг муҳандислик иншоотлари. Ҳайкалтарошлик, меъморчилик. *Эллинистик мада ниятининг қадимги лотин маданиятига таъсири. Шарқдаги эллинистик марказлар. Антик маданият инқирози ва христианликнинг вужудга келиши.*

Ўрта асрлар Европа маданияти - ўрта асрлардаги "Дунё қиёфаси". Европа ва Шарқ маданиятининг христиан ва ислом дини ақидаларида намоён бўлиши.

Европа ўрта асрлар маданиятининг манбаи: антик маданият, христианлик, мусулмон Шарқи. Ўрта асрлар Европа маданиятининг табақа - манфаатчилик хусусияти. Христиан маданияти. Рицарлик ва роҳиблик - ҳаёт тарзи сифатида. Византия маданияти. *Роман санъати. Готика. Шаҳар маданиятининг ривожланиши.* Университет илмининг вужудга келиши. Китоб чоп этишнинг йўлга қўйилиши. Қаҳрамонлик эпослари. Географик кашфиётлар ва денгиз йўлининг кашф қилиниши. *Техника ютуқлари. Мусиқа маданияти ва ҳайкалтарошлик.*

Шарқ Уйғониш даври маданияти - Марказий Осиё Ренессанси ва уни даврлаштириш муаммолари. IX - XI асрларда ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда юз берган ўзгаришлар. *Ислом маданиятининг шаклланиши. Боғдод ва бошқа маданий марказлар билан Мовароуннаҳр шаҳарларининг алоқалари.* Боғдод ва Хоразм Маъмун академиялари. Марказий Осиё санъатида араб халифалиги ва маҳаллий маданий оқимларнинг ўзаро синтези жараёнининг кучайиши. Табиий, фалсафий - ахлоқий ва диний - тасаввуфий фанларнинг тараққий қилиши. *Марказий Осиё алломаларининг ижоди ва уларнинг жаҳон илм - фани тараққиётида тутган ўрни.*

Меъморчилик ва тасвирий санъатдаги услубий ўзгаришлар: мадраса, масжид, мақбара - хонақоҳлар, карвонсарой, рабат, тим каби маиший савдо ҳамда муҳофаза қилинишлари ва уларнинг услублари. IX - XII асрлар меъморий ёдгорликлари: Бухородаги Сомонийлар мақбараси, Тимдаги Араб Ота мақбараси, Кармана шаҳри яқинидаги Работи Малик, Термиздаги Ҳаким ат - Термизий, Султон Саодат, Самарқанддаги Шоҳи Зинда мақбараси. Амалий санъатнинг кулолчилик, тўқувчилик сингари шакллари ривожланиши.

Амир Темур барпо этган марказлашган давлатда маданий - маиший ҳаётни ривожлантириш шарт - шароитлари. XIV аср охири XV асрда Мовароуннаҳрда қурилган меъморий обидалар (Гўри Амир, Оқсарой, Бибиҳоним, Шоҳи Зиндадаги меъморий қурилишлар, боғ ва кўшк, саройлар, Регистон ансамбли, Бухоро ва Ғиждувондаги масжид ва мадрасалар). Улуғбек академияси фаолияти. Улуғбек расадхонаси.

Темурийлар давридаги илм - фан ва адабиёт аҳли Тасвирий санъат ривожи. Самарқанд ва Ҳирот мактаблари. Ҳаттотлик ва китобат. Маданий муҳитга Нақшбандийлик тариқати сулукларининг таъсири.

Темурийлар даври маданиятининг Марказий Осиё ва жаҳонда туган ўрни ҳамда аҳамияти.

Европа Уйғониш даври маданияти - Уйғониш даврида янги Европа маданиятининг шаклланиши. Европада Уйғониш даври маданиятининг ривожи ва антик анъаналарнинг тикланиши. Гуманизм. Янги инсон идеалининг шаклланиши. Италия адабиёти ва санъати. Реформация, китоб нашр этиш, миллий ёзувларнинг тарқалиши.

XVII асрда Барокко ва маънавий маданият. Рационализм ва илғор фаннинг дастлабки ютуқлари. Табиий билимлар ва техник тараққиёт. Н. Коперник, Д. Бруно, Г. Галилей, И. Ньютон. XVIII аср - маърифатпарварлик асри. Абсолютизмнинг инқирози. Қомусий олимлар. *Классицизм ривожланишида янги босқич. Адабиёт ва театр, муסיқа санъатининг юксалиши.*

XVII - XIX асрлар жаҳон маданияти - XVIII аср ва XIX асрнинг бошларида Англия ва Испания маданиятида романтизм тенденцияларининг намоён бўлиши. XIX асрда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши ва маданият соҳасида юз берган ўзгаришлар. Саноат инқилоби ва илмий - техникавий ютуқлар.

Европа санъатида романтизм ва неоклассицизм. Адабиёт ва тасвирий санъатда реализм, импрессионистлар ва постимпрессионистлар.

Кўчманчи ўзбеклар - Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё маданиятининг ривожланиш хусусиятлари. Бухоро ва Самарқандда қурилган меъморий ёдгорликлар. XVI - XVII асрлар меъморчилиги анъаналари. Адабиётнинг ривожланиши. Ўзбек халқ оғзаки ижоди - "Алпомиш" достони.

XVIII - XIX асрларда Бухоро, Хива ва Қўқонда маданий ҳаётнинг қад ростлаши. Хонликларда маданият ривожланишининг ўзига хослиги: Хивада яхлит меъмориал ансамбллар қурилиши. Бухоро ва Қўқон меъморий ёдгорликлари. Хива ва Қўқон хонликларида маънавий - адабий муҳит.

Буржуа муносабатлари ва маданиятда янгиланиш жараёни. *Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши ва Европа маданиятининг кириб келиши*. Туркистон шаҳарларида Европа меъморий услуги асосида янги архитектуранинг шаклланиши. Европа услугидаги ўзбек театрларининг пайдо бўлиши. Маърифатпарвар адабиёт намоёндалари.

XX аср жаҳон маданияти - XX аср бошларида маданият ривожига янги йўналишлар. Санъатнинг янги турлари: кинематография, телевидениенинг вужудга келиши ва уларнинг театр, адабиёт, рассомчилик ва бошқа санъат соҳаларига таъсири.

Туркистонда жаҳидчилик ҳаракатининг маърифий ва сиёсий аҳамияти.

Собиқ Совет давлатининг ташкил этилиши йилларида Ўзбекистондаги маданий ҳаёт. "Маданий инқилоб"нинг миллий руҳият, миллий маънавият ва миллий маданиятга салбий таъсири. Бадиий ижод соҳасида миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлигини асраш учун уришиш. Маданият ёдгорликларини муҳофаза этиш, тарихий меросни ўрганиш, анъанавий санъат турларини ривожлантириш учун кураш - бу даврдаги маданий ҳаётнинг муҳим қонунияти.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида маданият. Адабиёт ва санъатда уруш мавзуси. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ташкил топиши (1943 й.). 50 - 80 йилларда фан, тасвирий санъат ва меъморчилик. Адабиёт, кино, мусиқа ва театр санъатининг ривожланиши.

Ҳозирги замон бадииятида оммавий юксак (профессионал) маданиятнинг ўзаро нисбати. Илмий технология инқилоби ва XX аср цивилизациясининг аграр индустриал ҳамда замонавий ахборот - компьютер босқичлари. *Илмий ва бадиий маданият* уй қунлиги. Маърифий таълимда умуминсоний кадрларнинг аҳамияти. Ўзбекистонда маданий меросни муҳофаза қилиш тадбирлари. Умумжаҳон ворислиги концепцияси, Ўзбекистонда ҳозирги маданий ривожланишнинг ўзига хос ху сусиятлари.

Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт - миллий истиқлол, маънавият, маданият. Миллий уйғониш ва миллий онг. Маданият жаҳондаги ислохотларда давлатнинг ўрни ва вазифалари. "Маънавият ва маърифат" жамоатчилиги маркази. "Олтин мерос" жамғармасининг миллий маданият равнақи, миллатлараро маданий мулоқотни ривожлантириш, Комил инсонни шакллантиришдаги роли. Ҳозирги шароитда адабиёт, тасвирий санъат, меъморчилик, театр, мусиқа, кино ва телевидение ривожланишидаги ўзига хослик. Уларнинг миллий кадрларни тиклаш, миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришдаги роли. *«Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моҳияти ва маънавий - маърифий ислохотлар*

тизимини амалга оширишдаги роли. Миллий маданият равақида миллий маданий марказлар ҳамда халқаро маданий алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти.

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

Маданиятшунослик фани предмети, уни ўрганишнинг аҳамияти

Маданият ва жамият. Ижтимоий - маданий ривожланишнинг умумий қонуниятлари.

Турли даврлар ва минтақавий маданиятлар мулоқати, унинг ўзига хос хусусиятлари.

Ворислик моҳияти ва унинг маданий тараққиётидаги роли.

Шахс маънавиятининг шаклланишида умуминсоний ва миллий кадриятлар уйғунлиги.*

Қадимги Шарқ маданияти

Қадимги Миср, Месопотамия маданияти.*

Қадимги Хитой маданияти.*

Қадимги Ҳиндистон маданияти.*

Қадимги Европа маданияти

Юнон - Эллин маданияти.*

Қадимги Рим маданияти.*

Византия маданияти.*

Ислом маданияти

Ислом динининг вужудга келиши ва ёйилиши.

Ислом кадриятлари ва аҳкомларининг шаклланиши ҳамда ривожланиб бориши.

Ислом маданияти ва унинг ижтимоий тараққиётга таъсири.*

Христианлик маданияти

Христианликнинг вужудга келиши ва ёйилиши.

Христианлик таълимотининг мазҳаблари ва йўналишлари.

Христианлик маданияти ва илм - фан.*

Шарқ Уйғониш маданияти

Ўрта асрларда Шарқ халқларнинг маданий - маънавий ҳаётида юз берган Уйғониш даври.*

Илм - фан равнақи.

Адабиёт ва санъат.

Европа Уйғониш маданияти

Европа Уйғониш даврининг маданий ҳаёт ривожига таъсири.*

Шаҳарлар ҳаёти. Университет таълими.

Илм - фан равнақи. Адабиёт ва санъат.

XIX - XX асрларда илмий - техникавий тараққиёт

XIX асрда илғор мамлакатларда саноат инқилоби, фан ва техника равнақи.

Маданиятнинг оммавийлашуви: радио, телекоммуникациялар ва ахборот воситаларининг ривожланиши.

Илмий - техникавий инқилоб ва унинг ютуқлари.*

XIX - XX асрларда маънавий маданият равнақи

XIX - XX асрларда жаҳон халқлари маънавий маданияти юксалишининг муҳим омиллари.*

Таълим тараққиёти. Илм - фан равнақи.

Адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат, мусиқа.

Лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс (лойиха) ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистоннинг 10 йил мустақил тараққиёт йўлини ёритувчи 8 та ўқув фильмлари.
2. Жаҳидлар фаолиятини ёритувчи «Буюк сиймолар» мавзусидаги фото портретлар.
3. Республика санъат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва бошқа маданий - маърифий муассасаларга ташрифлар ташкил этиш.
4. Тестларни компьютерга киритиш орқали талабалар билимини баҳолаш ва бошқалар.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Назорат қилиш турлари

Ҳар ҳафтада бўладиган семинар машғулотида белгиланган мавзу бўйича жорий баҳолаш ўтказилади. Жами 9 марта жорий баҳолаш ўтказилиб, талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқланади. Семестр давомида ЖБ бўйича талабалар билими 0 - 12,6 балл доирасида аниқланади.

Семестр давомида бир марта оралиқ баҳолаш ўтказилади. ОБ бўйича талабалар билими 0 - 12,6 балл доирасида белигиланади.

Семестр охирида якуний баҳолаш ўтказилади ва талабалар ўзлаштириш кўрсаткичи 0 - 10,8 балл доирасида баҳоланади.

Сўнгра талабанинг ЖБ, ОБ ва ЯБ да олган рейтинг баллари жамланиб, умумий ўзлаштириш кўрсаткичи 0 - 36 балл доирасида баҳоланади

Талабанинг билими қуйидаги мезонда баҳоланади:

31,0 дан 36,0 баллгача – «аъло» (86 - 100 фоиз) баҳо;

25,6 дан 30,6 баллгача – «яхши» (71 - 85 фоиз) баҳо;

19,8 дан 25,2 баллгача – «қониқарли» (55 - 70 фоиз) баҳо;

0 дан 19,4 баллгача – «қониқарсиз» (0 - 54,8 фоиз) баҳо.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан Т.4. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – - Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – - Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш - пировард мақсадимиз. Т.8.. - Т.:Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
12. Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. // Халқ сўзи, 2002 йил, 6 декабрь.
13. Абу Райҳон Бериуний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1 - т., - Т., 1988.
14. Абдунабиев А. Вклад в мировую цивилизацию. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
15. Абдухолиқов С. Маданият тарихи ва унинг асосий масаласи. - Т.: Фан, 1992.
16. Ахмедова Э., Габидуллин Р. Культурология – Т., 2001.
17. Бобоев Ҳ., Хамроев Т., Алимасов В. Маданиятшунослик. –Т.: Янги аср авлоди, 2001.
18. 18. Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. «Авесто» - маънавиятимиз сарчашмаси. –Т.: Адолат, 2001.
19. Бойназаров Ф. Антик дунё. - Т.: Мехнат, 1983.
20. Боннар А. Греческая цивилизация. 3 тома. –М., 1992.
21. Древний Восток и мировая культура. - М., 1981.
22. Ерасов В. Культура, религия и цивилизация на Востоке. - М., 1990.
23. Искусства стран народов мира. Энциклопедия. - М., 1956 - 1978.

24. Куманецкий К. История культуры древней Греции и Рима. – М., 1990.
25. Колпинский Ю. Д. Великое наследие античной Эллады и его значение для современности. - М., 1977.
26. Касамби Д. Культура цивилизации древней Индии. - М., 1986.
27. Культура Древнего Египта. - М., 1976.
28. Культура эпохи Возрождения. - М., 1986.
29. Маданиятшунослик. Маърузалар матни. Гулметов Э. ва бошқалар. –Т.: ДИТАФ, 2000.
30. Маврулов А. Маънавиятни соғломлаштириш даври. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
31. Мустақиллик. Илмий - оммабоп луғат, - Т., 1998.
32. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. - Т.: Фан, 1994.
33. Махмудов Р. Хуқуқ ва маданият. - Т.: Ўзбекистон, 1994.
34. Никольский Н. Культура древней Вавилонии. - М., 1959.
35. Очерки истории арабской культуры У - ХУ веков. - М., 1982.
36. Основы теории культуры - М., 1986.
37. Разумович Н. Политическая и правовая культура. М., 1989.
38. Саттор М. Ўзбек удумлари. - Т.: Фан, 1993.
39. Силичев Д. Культурология. Учебное пособие для ВУЗов. –М., 1998.
40. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Т.: Фан, 1991.
41. Трименгем Дж. С. Суфийские ордена в исламе. - М., 1989.
42. Хайруллаев М., Шораҳмедов Д. Маданият ва мерос. - Т.: Ғ. Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
43. Хасанов С. Хоразм маънавияти дарғалари. – Т.: Адолат 2001.
44. Художественная культура Средней Азии IX - XIII веков.. - Т.: Изд. литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1983.
45. Чебоксаров К. Народы, расы, культура - М., 1985.
46. Шарифхўжаев М. Истиклол истикболлари. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
47. Қорабоев С. Ўзбекистон байрамлари. - Т.: Ўқитувчи, 1992.

Кўшимча адабиётлар

1. Абдурахмонов А. Улуғбек академияси. - Т.: Қомуслар Бош тахририяти, 1993.
2. Аброров М. Янгича фикрлаш ва миллий урф - одатлар. - Т.: Фан, 1990.
3. Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. –Т.: Нур, 1992. Амир Темур ўғитлари. - Т., 1992.
4. Античное наследие в культуре Возрождения. - М., 1994.

5. Бабаев Х., Дусчанов Т., Хасанов С., Алламов Я. Роль «Авесты» в духовном развитии человечества. – Ургенч: Хоразм 2002.
6. Буюк сиймолар, алломалар. 1,2,3,4 китоблар. –Т.:
7. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995, 1996, 2000.
8. Бромлей Ю.Создано человечеством. –М.,1984.
9. Восток и Запад. Исследования. Переводы. Публикации. - М.: Наука, 1982.
10. Гуревич А. Средневековый мир: культура безмолвствующего большинства. – М.: Искусство, 1990.
11. Джеймс Г. Римская цивилизация
12. Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
13. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. - Т.: Университет, 1993.
14. Искусства стран Востока. - М.: Просвещение, 1986.
15. Кайковус. Қобуснома. –Т.: Истиқоло, 1994.
16. Книга и социальный прогресс. - М., 1986.
17. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. –Т.: Маънавият, 1999.
18. Маънавият юлдузлари, - Т., 1998.
19. Маданият ва жамият. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
20. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул - мулк. –Т.: Адолат, 1997.
21. Одобнома. - Т., 1992.
22. Очерки истории искусства. - М., 1987.
23. Оппенгейм А. Древняя Месопотамия. - М., 1990.
24. Г. Пугаченкова, Л. Ремпель. Очерки истории искусства Средней Азии, - М., 1982.
25. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари - Т.: Фан, 1985.
26. Хук С.Мифология Ближнего Востока. - М.: Ўзбекистон, 1992.
27. Шайхова Х.Инсон ва унинг маънавий дунёси. - Т., 1993.
28. Юсупов Э. Маънавият ва жамият тараққиёти. –Хўжанд, 1996.
29. Ҳамидов Ҳ. Қирқ беш аллома ҳикояти. –Т.: Фан, 1995.
30. Ҳадис олимлар, қозилар, ҳокимлар ҳақида. –Т.: Чўлпон, 1996.

Ғафуров З. Мустақилликнинг маънавий заминлари. - Қарши, 1994.